XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2024 - yil 30 - yanvar VI-62-4-3-45-K/24 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман маҳаллий бюджетининг 2024 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан туманда ташкил этилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га маблағ йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли ҳамда 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли ҳамда 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорлари ҳамда тумани бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлангалиги ва Жамоатчилик фикри асосида шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия ташкил этилганлиги ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов) туман маҳаллий бюджетининг йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан 367 584.0 (уч юз олтмиш етти миллион беш юз саксон тўрт) минг сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси юклатилсин.

3. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев) туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағни туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

4. “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”да шаклланган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда фақат жамоатчилик фикри асосида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилсин.

5. Туман ғазначилик бўлинмаси (Б.Саттаров) маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ташкилотлар ҳисоб рақамига ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**